

МУАЛЛИМ

Булунгур туманидаги 50-ўрта мактабнинг кекса муаллими Лапас БЕКБЎТАЕВ фаолиятига бир назар



Борлиқни баҳор либоси қоплаган. Лапас ака боғ тўридаги ёш навабни дарахти ёнида ҳайъа суриб турарди. Нодира отасига халақит бермаслик учун хийла вақт кутиб турди. Охири чидаёлмади:

У қизининг бу гапидан сўнг ёшгина новдани авайлаб ушлаганича ҳайъа суриб қолди. Ниҳоят:

— Қизим, ёш бола мана шу қўлимдаги новдадек гап. Мен боғбон бўлиб, мана шу новдани қайқа қараб қайирсам, у шу томонга қараб ўсади. Уқувчининг боғбони — ўқитувчи. Демак, ўқувчига, аввало, тўғри таъсир ўтказиш йўлини ҳам билишинг керак. Айниқса, сен каби адабиёт муаллимларининг бу борада хизмати катта бўлиши даркор. Болалар ўзгаргани йўқ. Фақат тарбия бобида андак йўл қўйилган хотиржамлик оқибатида уларда шўхлик аломатлари кучаймоқда, холос.

Ота-бола боддан чиқиб, уйга киришганда меҳмонхона оладдагилик гавжум эди. Келинлар, ўғиллар, қизлар ва неваралар келишибди. Ҳар бири билан кўришаркан. Лапас аканинг чарчови яна бир бор ёзилгандай бўлди, ўзини енгил ҳис қилди. Давра тўридаги ўз жойини эгалларкан, Ойимкол опага одадлагидек ҳазил қилишни ҳам унутмади:

— Онаси, қани, бугун кимнинг қўлидан оёқ еимиз?

— Бугун Лолаининг навбати экан.

— Ўтган сафар шифокор Марҳабохон тайёрлаган ошининг таъми қалнига оғзимдан кетгани йўқ. Бугун эса муаллимнинг ошини еркамиз-да.

Пойгақроқдан жой олган Ло-

ла мулойимлик билан гап қўшди:

Мен янгамлардек пазанда эмасман. Бугун менга «наказ» тушган экан, майли, қозон билан капгир энди менинг ихтиёримда...

Лапас ака Бекбўтаев 45 йиллиги, ёш авлодга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келаятир. У киши муаллим қадрияти ва маънавияти юксак бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Ўн беш ёшда онасидан ажралган Лапас аввал тоға юрти Бахмалнинг Қўшамғали қишлоғида чўпонлик қилди. Эс-хушини таниган, яққа-ёғиз опасини дарақлаб, тутилган макони, Булунгурдаги Юқори Қўшамғали қишлоғига келди. Она қишлоғида яхши одамларнинг кўмаги билан элга қўшилди. Ўрта маълумотли бўлди. 50-йилларда қишлоқларда ўқитувчилар етишмасди. Шу боисдан билими, қобилияти бўлган мактаб битирувчиларининг кўпчилиги ўқитувчиликка сарфарбар этиларди. Лапас ҳам кўшни Қоракўшқоқ (ҳозирги Бахмал) туманидаги 74-мактабга ўқитувчи этиб тайинланди. Кечаги ўқувчи бугун парта оралаб «Алифбе»ни ўргата бошлади. Дастлаб унда иштиёқ ва қизиқиш кучли бўлганлиги учун ишдаги қийинчиликлар сезилмади. Кейинчалик ўзида билим ва маҳорат етишмаслигини, яна кўп ўқиш зарурлигини тушуниб қолди. Шу тариқа 1954 йилда у Ўзбекистон дорилфунуни (ҳозирги СамДУ)нинг ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. Анжуманларда, илмий йиғилишларда маърузалар билан қатнашиб турди. Ҳўшини муваффақиятли тугатган, Булунгур

туманидаги 31-мактабнинг илмий бўлим мудири этиб тайинланди. Бу ерда икки йил ишлаб, туманининг чекка қишлоқларидан бирида жойлашган 10-мактабга директор бўлди. Бу вазифада ўн йил фаолият кўрсатди. Сўнгра қишлоғига қайтиб, ҳозир ўзи ишлаётган 50-мактабда 1981 йилга қадар етакчилик қилди.

Лапас ака энг тажрибали муаллим, жамоада меҳнат қилаётган ўқитувчиларнинг деярли барчасига мураббий. У ташкил этган она тили ва адабиёти кабинети мактабадагина эмас, туманда ҳам энг намунали ҳисобланади. Шаҳсан ўзи уч мингта яқин кўргазмали қуроллар тайёрлаган. Ёшларга одобнома фанидан ҳам сабоқ бераётир.

— Одобнома истиқлолимиз шарофати билан тутилган янги фан, дейди у. — Тўғри, айрим мактабларда бу фанга иккинчи даражали, деб қаралаётганлиги ҳам сир эмас. Бу ҳол лавом эгасига катта хатога йўл қўйган, оқибатда, маънавийтимизга, ўз илтимизига ўзимиз болта урган бўламиз.

У одобнома дарсида халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланади. Халқнинг бой мероси, тутанмас маънавий хазинаси бўлмиш дostonлар, лапарлар, аллалар ҳақида соатлаб ўқувчиларга тушунча беришдан эринмайди. Дарсларига баъзан ўзининг шогирдлари, ўқитувчилар ҳам кириб заъқ олишади.

Унинг пиру бадавлат хонадонидан тўрт ўғил, етти қиз камол топди. Фарзандларидан тўрт нафари ота касбини эгаллашган.

Олий тоифали муаллим, Республика халқ маорифи аълочи-си, маънавият таъшиқотчиси ва жонкуяри, қатор мукофотлар соҳиби, қишлоқнинг табаррук оқсоқоли Л. Бекбўтаев ўз касбини эъзозлаб, баркамол ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшиб келаятир.

Қувондиқ ХАЛИЛОВ, «Булунгур ҳаёти» рўзномасининг муҳаррири.

ЎЗБЕКИСТОН **ПОКИСТОН**

ЯШАСИН ЎЗБЕКИСТОН-ПОКИСТОН ДЎСТЛИГИ!
 Табани груп Оф компаниз
Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов ва Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Беназир Бхуттони бугун Осиё қитғасида вужудга келаётган янги халқаро алоқалари билан табриқлаб, уларга бу хайрли ишга қўшаётган улуши учун миннатдорчилик билдиради.

Покистон Бош вазири Беназир Бхуттонинг Ўзбекистонга бўладиган сафари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг равнақ топишидаги янги марҳаматдир. Табани груп оф компаниз бу мулоқот тадбиркорлар соҳаси олдига қўядиган вазифаларни бу икки буюк халқларнинг иқтисодий ва маданий алоқаларини Буюк Ипак йўлида равнақ топтиришига тайёрдир.


Табани корпорейшн Ўрта Осиё бўлими
 700100, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 158.
 Телефонлар: 54-06-70, 55-35-49, 54-07-98.
 Факс: 54-08-30.
 Телекс: 116416 TBANI SU.

Мухаммад Аббос Хон бошқарма бошлиғи.

(Табани корпорейшннинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Табани-Тошкент тармоғ корхонаси, "Венус" қўшма корхонаси, "Башанг табани" қўшма корхонаси, "AEROASIA" авиакомпанияси).

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

Жером ПОСТАЛО: «НИЯТИМ — ЮЗЛИККА КИРИШ»



Айни кунларда Самарқанд шаҳрида теннис бўйича «Буюк ипак йўли» сателлит турнирининг иккинчи босқичи баҳслари давом этаётган. Маълумки, пойтахтимизда ўтказилган биринчи босқич беллашуварларида ҳамюртимиз Олег Огородов голиб чиққанди.

Олег бу муваффақияти билан ўз муҳлисларини гоё қувонтирган бўлса, у билан финалда ўйнаган французлик Жером Лостало (юқоридан ўртадаги суратда) эса, нафақат, моҳир теннисчиллиги билан, балки ўзининг ҳушқўшқаклиги, майдондаги актёрлик маҳоратлари билан ҳам томошбинлар эътиборини қозонди. Боршқача айтганда, Лостало корта чиққан келлари томошбинлар қозилдан табассум аримади. Финал учрашувидан сўнг Жером билан мулоқотда бўлиб, унинг табиятан французларга хос хушқўшқак йилити эканлигига яна бир қарра амин бўлдик.

— Жером, финалгача рақибларингизни уч сетга қолдирмай мағлубиятга уратдингиз, финалда эса... барча имкониятларингизни ишга солишга нима халақит берди?

— Қанақа имконият ҳақида гапираёгансиз, ахир Оленин мендан устуңлиги яққол кўриниб турди-ю, мабодо менда қўшимча имконият бўлган тақдирда ҳам уни ишга солишга Олег имкон қолдирмасди. Сўзсиз, ҳамюртингиз турининг биринчи рақамли теннисчиси. Гарчи асосий беллашувар олдидан бўлса-да, Оленин туринида голиб чиқишига шубҳа қилмайман.

— Қачондан бошлаб профессионал теннис билан шуғулланингиз?

— Мен ўзимни профессионал теннисчи ҳисобламайман. Шу йилдан, яъни 20 ёшимдан бошлаб профессионал теннис билан жиддий шуғулланишга киришдим.

— Унда сизнинг профессионал теннисчилар рўйхатида 900-ноқонили эгаллаб турганингизни қандай изохлаш мумкин?

— Бундан олдин Италия ва

Раҳмонов учинчи ўринларни эгаллашди.

Вилот маданият бошқармаси бошлиғи М. Ражабовнинг айтишича, қизиқчилик, асқиччилик бўйича ўтган ушбу курик-танлов шу соҳанинг ривожланишига, шаклланишига катта ҳисса қўшишига шубҳа йўқ.

П. ГАДОЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

САПОМАТНИК... СӨТИЛМАДИ

Сариосён туманидаги ўрмончилик лицейи талабалари Осмончлик тоғининг кўсидида жойлашган Нилу қишлоғидаги таърибу урғасига 50 мингдан зиёд наъматак қаламчаларни экшди. Биласиз — наъматак таъбат илмида юксак қадрланди, табиқлар бу ўсимликнинг шифобахш хусусиятларини санаб санаюнга етолмайлар. Кунлар исиб кетганидан кейин эса гулхайри ва кийик ўти ҳам экилади. Мен айтман: «Кани, энди дастурхонимизда наъматак мураббояри турса! Ана шунда кўларимиз ўтир, қадамларимиз алдам бўларди». Афсуски, аслиятта аста, жуда аста қайтаётимиз: шунинг ўзи ҳам катта гап!

Тождил РАЗЗОҚ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ХОТИРА КЕЧАСИ

Таниқли бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги давлат мукофоти совриндори, профессор Матниёз Юсулов таваллудига 70 йил тўлди. Кўни кеча пойтахтнинг Муқимий номидаги мусиқали театрида ана шу санага бағишлаб хотира кечаси бўлиб ўтди.

Кечага санъаткорнинг ҳамкасблари, шогирдлари, Тошкент давлат консерваторияси ўқитувчилари, талабалар, мусиқа, шинавандалари тўпланди. Сўзга чиққандлар ўзбек композиторининг серқирра ижоди, унинг Хоразм мақомлари, халқ ашулалари ва дoston қўшиқларини тўлаб, миллий мусиқамиз хазинасини тўлдиршига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида сўзлашди.

Республикамиз таниқли санъаткорлари ва ижодий жамоалари ижросида Матниёз Юсулов асарларидан тўзилган концерт намойиши этилди.

(ЎЗА).

КОРХОНАЛАР, ТАШКИПОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Масбулиятли чекланган «Асал» ЛТД жамияти МТЗ тракторлари учун эҳтиёж қисмларни, нефтни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати учун марказдан қочма насосларни, сув ва оқинди сувларни узатиш учун тарозиларни завод нархларида Беларусдан етказиб бериш имкониятига эга.

Ҳақ тўлаш усули — ҳам валюта, ҳам сўмда пул ўтказиш йўли билан ёки нақд. Мавоза усулини қўллаш мумкин.

Алоқа учун телефон: 34-27-55.

Фарғона Политехника Институтининг

Қўқон филиали

"Менежмент", "Бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили", "Машинасозлик технологияси", "Тўқимачилик ва енгил саноат ва аппаратлари" ихтисосликлари бўйича фан докторлари, фан номзодлари ёки шу соҳалар бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларни ишга таклиф қилади.

Манзилгоҳимиз:

713000, Қўқон шаҳри, А. Навоий кўчаси, 164-уй, телефон: 4-50-60.

Маъмурият.

"ФОТОН"

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

СИЗЛАР УЧУН

- * исталган ҳажм ва кўринишдаги,
- * сиз берган андозаларга кўра чиройли безатилган,
- * тез ва сифатли тайёрланган,
- * ҳудудда энг арзон нархларда полиэтилен пакетлари, иш қозғалари учун напқалар

ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

Бюджетнинг энг кам тиждори-1000 нусха.

Маълумотлар учун телефонлар: 36-07-71, 36-09-33.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бош бошқарма бошқармаси жамоаси шу бошқарманинг контрабанда, бошқона қондалари бузилишига қарши кураш ва суриштирув бошқармаси бошлиғи Равайн Тоировга онаси РИХСИ ЯН АБДУРАZZАКОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки меҳнат жамоаси Марказий банк масъул ходими М. К. Мирзабеова отаси Курол МИРЗАБОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси бош хисоблаш маркази жамоаси бўлим бошлиғи Ф. Л. Фофуровга отаси Латиф ГОФУРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Тошкент давлат Иқтисодий университети ректорати, касба уюшма қўмитаси, «Ишлаб чиқариш воситалари маркетинги ва тижорат» кафедрасининг доценти Ф. Фофуровга отаси Л. ГОФУРОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.